

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.01.2020. К/Т. 104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ОХУНДЕДАЕВ БАХОДИР СОТИВОЛДИЕВИЧ**

***ARTEMISIA JUNCEA, FICUS CARICA* VA *PSORALEA DRUPACEA*  
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ТЕРПЕНОИДЛАРИ ВА ФЕНОЛ  
БИРИКМАЛАРИ**

**02.00.10 - Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Охундедаев Баходир Сотиволдиевич**

*Artemisia juncea*, *Ficus carica* ва *Psoralea drupacea* ўсимликларининг  
терпеноидлари ва фенол бирикмалари ..... 3

**Охундедаев Баходир Сотиволдиевич**

Терпеноиды и фенольные соединения растений *Artemisia juncea*, *Ficus carica* и *Psoralea drupacea* ..... 21

**Okhundedaev Bakhodir Sotivoldievich**

Terpenoids and phenolic compounds of plants *Artemisia juncea*, *Ficus carica* and *Psoralea drupacea* ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.01.2020. К/Т. 104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ОХУНДЕДАЕВ БАХОДИР СОТИВОЛДИЕВИЧ**

***ARTEMISIA JUNCEA, FICUS CARICA* VA *PSORALEA DRUPACEA*  
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ТЕРПЕНОИДЛАРИ ВА ФЕНОЛ  
БИРИКМАЛАРИ**

**02.00.10 - Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/К205 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация УЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сাইтисини ([uzicps.uz](http://uzicps.uz)) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арипова Салимаҳон Фатиллоева  
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нормухаматов Нодирали Саҳобаталевич  
кимё фанлари доктори

Каримов Абдурашид Мусахоневич  
кимё фанлари доктори

Ётақчи ташкилот:

Биоорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc 02/30.01.2020 К/Т. 104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «03» май соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: [plant-inst@icps.org.uz](mailto:plant-inst@icps.org.uz), [icrv@mail.ru](mailto:icrv@mail.ru)).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (27 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: [nhidirova@yandex.ru](mailto:nhidirova@yandex.ru).

Диссертация автореферати 2023 йил «30» апрел кунини тарқатилди.

(2023 йил «20» апрел даги 6 рақамли реєстр баённомаси)



[Signature]  
Ш.Ш. Сағдуллаева  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

[Signature]  
Н.Қ. Хидирова  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.ф.н.

[Signature]  
Э.Х. Бозирова  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда Ўзбекистон мақсадли фитокимёвий тадқиқотларини олиб бориш имконини берувчи доривор ўсимликларга бой дунёдаги мамлакатлардан биридир. Анъанавий тиббиётда узоқ вақт давомида юзлаб ўсимликлардан турли касалликларни даволашда фойдаланиб келинган. Шу муносабат билан, биологик фаол бирикмалар (БФБ) сақловчи доривор ўсимликларни чуқур фитокимёвий ўрганиш, улар асосида тиббиёт, ветеринария ва кишлоқ хўжалиги учун дори воситалари арсеналини тўлдириш мақсадида БФБ ларни ажратиб олиш ва уларнинг тузилиши ҳамда биологик фаоллигини аниқлаш долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Сўнги йилларда жаҳон миқёсида *Asteraceae*, *Moraceae*, *Fabaceae* оилалари ўсимликлари биосинтез қилувчи биологик ва фармакологик фаол терпеноидлар, флавоноидлар ва кумаринларни ажратиб олишга тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, *Artemisia* L. (*Asteraceae*) туркумига мансуб ўсимликларнинг сесквитерпен лактонлари асосида безгакка (артемизинин ва унинг аналоглари) ва ўсимтага қарши (артемизинин, арглабин, партенолид) таъсирга эга дори воситалари яратилган; *Ficus* L. (*Moraceae*) ҳамда *Psoralea* L. (*Fabaceae*) туркум ўсимликларидан фотосенсибилизатор фаолликка эга фуурокумаринлар (псорален, ангелицин, бергаптен) асосида витилиго касаллигини даволовчи дори воситалари яратилган. Ўсимлик флавоноидлари Р-витамин ва антиоксидант фаолликка эга ва улар асосида яратилган дори воситалари веналарнинг варикоз кенгайиши касалликларини даволаш учун қўлланилади. Бинобарин, Ўзбекистон флорасидаги ушбу оила ва туркум ўсимликларининг фитокимёвий тадқиқотлари терпеноид ва фенол табиатли БФБ ларнинг таркиби, тузилиши ҳақидаги янги маълумотларни олиш имконини беради.

Ўзбекистонда *Artemisia annua* ўсимлигидан артемизинин сесквитерпен лактонини ажратиб олишнинг технологияси ишлаб чиқилган, *Artemisia leucodes* ўсимлиги асосида атеросклерозга қарши «Олигвон» ҳамда *Ficus carica* баргларининг фуурокумаринлари асосида эса лейкодерма ва алопеция касалликларини даволовчи «Псоберан» дори воситалари яратилган. Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21-январдаги «2022-2026 йилларда Республиканинг фармацевтика тармогини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>1</sup> ги № ПФ-55-сонли фармонида асосан *Artemisia juncea* Kar et Kir., *Ficus carica* L., *Psoralea drupacea* Bunge ўсимликларини тадқиқ қилиш ва биологик фаол бирикмаларини олиш усулини такомиллаштириш «дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни янада тадқиқ этиш бўйича илмий тадқиқот ишланмаларни ташкил этиш ҳамда таклифлар киритиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш» вазифасига мос келади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 21-январдаги № ПФ-55 сонли фармони.

Диссертация иши давомида эришилган натижалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14-февралдаги ПҚ-3532 сонли «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10-апрелдаги ПҚ-4670 сонли «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>3</sup> қарорларида белгиланган вазифаларни ҳал этишга маълум даражада хизмат қилади, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мақсадларга эришишга ҳисса қўшади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» ҳамда VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишларига мувофиқ олиб борилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Artemisia L., Ficus L.* ва *Psoralea L.* туркум ўсимликларининг кимёвий тадқиқотларини жаҳоннинг етакчи давлат мутахассислари F. Bohlmann, N.H. Fisher, E.J. Oliver, I.S. Roberts, J. Bryson, B.M. Fraga, H.F. Wong, S.H. Lee, H.M. Kang, H.C. Song, H. Lee, V.C. Lee, K.H. Son, H.K. Kim, B.M. Kwon, Jorge F.S. Ferreira, Z. Huang, M.R. Loizzo ва бошқалар, МДХ давлатларидан - К.С. Рыбалко, С.В. Серкерев, Д.А. Коновалов, С.М. Адекенов, А.Д. Кагарлицкий, А.Н. Куприянов, Е.М. Сулейменов, Н.А. Талжанов, В.А. Ралдугин, Г.А. Атажанова, Л.М. Беленовская, Е.Л. Лозовская ва бошқалар олиб боришган.

Ўзбекистонда мазкур туркум ўсимликларининг иккиламчи метаболитларини тадқиқотлари Г.П. Сидякин, Ш.З. Касымов, М.И. Юсупов, У Рахмонкулов, Н.К. Абубакиров, Б.З. Усманов, А.У Касымов, С.Х. Закиров, И.Д. Шамьянов, Р.Ф. Мухаматханова, Н.Д. Абдуллаев, В.Н. Сыров, З.А. Хушбактова, Н.В. Турсунова ва бошқалар томонидан олиб борилган. Улар Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи ўсимликларнинг терпеноид ва фенол бирикмаларини ажратиб олиш, уларнинг тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борган. Ушбу тадқиқотлар натижаси ўлароқ тиббиёт, ветеринария ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўлланиладиган самарали дори воситалар яратилган.

Амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ, тадқиқ этилаётган ўсимликларнинг турлари таркибида биологик фаол терпеноид ва фенол бирикмалари кўп миқдорда сақлашлиги сабабли бу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларни долзарблигидан далолат беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2020

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14-февралдаги ПҚ-3532 сонли қарори.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10-апрелдаги ПҚ-4670 сонли қарори.

йиллар давомида бажарилган №ССВ-Ф6-040 «Ўсимлик фотосенсбилизаторларининг цитотоксик таъсирининг омиллари ва қонуниятлари» ва 2017-2020 йиллар давомида бажарилган №ТА-ФА-Ф7-008 «Табиий терпеноид ва фенол бирикмаларини ўрганиш ҳамда улар асосида тиббиёт, ветеринария ва қишлоқ хўжалиги учун дори воситалари яратиш») мавзуларидаги фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Artemisia juncea*, *Ficus carica* ва *Psoralea drupacea* ўсимликларининг терпеноид ва фенол бирикмаларини кимёвий тадқиқ қилиш; *P. drupacea* ўсимлигидан фурукумаринларни олишнинг янги оптимал усулини ишлаб чиқиш; *F. carica* баргларида фурукумарин таркибини сифат жиҳатдан таҳлил қилишнинг янги усулини ишлаб чиқиш, шунингдек, экстрактив суммалар ва уларнинг индивидуал ҳолдаги бирикмаларининг биологик фаоллигини тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

*Artemisia juncea* ўсимлигининг ер устки қисмининг терпеноид ва фенол бирикмаларини кимёвий тадқиқ этиш, улар ўз навбатида турли кутбликдаги органик эритувчилардан (экстракцион бензин, хлороформ, этилацетат, этил ва *n*-бутил спиртлари) фойдаланиш, олинган экстрактларни колонкали хроматография ёрдамида фракциялаш ҳамда бирикмаларни индивидуал ҳолда ажратишдан иборат;

индивидуал ҳолда ажратиб олинган бирикмаларнинг кимёвий тузилишини аниқлаш;

*Artemisia juncea* ва *Ficus carica* ўсимликлари ер устки қисимларининг паро- ва гидродистилляция усуллари ёрдамида, шунингдек гексанли ҳамда бензолли экстрактлари кутбсиз учувчан компонентларини хромато-масс-спектрал таҳлил усулида тадқиқ этиш;

*Psoralea drupacea* ўсимлигидан фурукумаринларни олишнинг янги оптимал усулини ишлаб чиқиш;

ажратиб олинган терпеноид ва фенол бирикмаларининг биологик фаоллигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Artemisia juncea* ўсимлигининг ер устки қисми, *Ficus carica* барглари ҳамда *Psoralea drupacea* ўсимлигининг дуккаклари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** юқорида санаб ўтилган ўсимликлардан ажратиб олинган терпеноид ва фенол бирикмалари бўлиб, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, кимёвий тузилишини аниқлаш ва экстрактив ҳамда индивидуал компонентларнинг биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ишни бажаришда ажратиш ва тозалашнинг маълум бўлган усуллари қўлланилган: экстракция, ҳайдаш, колонкали (КХ) ва юпка қатламли хроматография (ЮКХ), қайта кристаллаш; ажратилган моддаларнинг тузилишини аниқлашнинг физикавий усуллари: УБ, ИҚ, ЯМР спектроскопия ( $^1\text{H}$ ,  $^{13}\text{C}$ , HSQC, HMBC ва NOESY), рентген тузилиш таҳлили (РТТ), масс-спектрометрия (МС), ГХ-МС шунингдек, биологик усуллар.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон флорасидаги *Artemisia juncea* ўсимлигининг ер устки қисми биринчи мартаба тадқиқ қилинган. Мазкур ўсимлик таркибида терпеноидлар ва флавоноидлар биосинтез қилиши аниқланган. Натижада, мазкур ўсимликдан 5 та сесквитерпен лактон, 2 та тритерпеноид, 11 та флавоноид – шундан 2 таси адабиётларда маълум бўлмаган янги флавоноид, 1 та циклик полиол ажратиб олинган. Индивидуал ҳолда ажратиб олинган бирикмаларнинг тузилиши аниқланган, шунингдек, 78 та учувчан моно- ва сесквитерпеноид бирикмалари идентификация қилинган;

*A. juncea* ўсимлигидан биринчи мартаба адабиётларда маълум бўлмаган 11-эпи-дегидроизолеукомизин сесквитерпен лактони ажратиб олиниб, молекуласидаги барча хирал марказларнинг тузилиши ва абсолют конфигурацияси РТТ ёрдамида 7*R*,8*S*,11*S* эканлиги аниқланган;

*A. juncea* ўсимлиги ер устки қисмидан биологик фаол сесквитерпен лактон аустрицин олишнинг янги усули ишлаб чиқилган;

*Ficus carica* баргларида пароводородистилляция усуллари ёрдамида, шунингдек, бензолли экстрактдан олинган учувчан компонентларни биринчи мартаба ГХ-МС усулида идентификация қилинган;

*F. carica* баргларида таркибидаги фурукумаринларнинг сифат жиҳатдан аниқлаш тести ишлаб чиқилган;

*Psoralea drupacea* ўсимлиги дуккакларидан фурукумаринларнинг олишни янги усули ишлаб чиқилган ҳамда фурукумаринлар – ангелицин ва псорален индивидуал ҳолда ажратиб олиниб ва биологик тадқиқотлар учун уларни сувда эрувчан шакллари олинган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

*Artemisia juncea* ўсимлиги леукомизин сесквитерпен лактони (атеросклерозга қарши таъсирга эга «Олигвон» дори воситасининг субстанцияси) ва цинарозид флавоноидининг (гипоазотемик таъсирга эга «Нефроцизин» дори воситасининг субстанцияси) янги манбаи эканлиги аниқланган ҳамда мазкур дори воситаларини субстанцияларини олишда қўшимча хом ашё сифатида фойдаланилиши мумкин;

*Psoralea drupacea* дуккакларидан фурукумаринлар олишнинг янги усули ишлаб чиқилган бўлиб, маълум усулга нисбатан фурукумаринлар унумини 16% га ошириш имконини берган, бу эса фармацевтика соҳасида ишлаб чиқаришга имкон яратади;

*A. juncea* ўсимлиги ер устки қисмидан шолининг ҳосилдорлигини оширувчи ва ўсишини рағбатлантирувчи фаолликка эга аустрицин сесквитерпен лактонининг олишни янги усули ишлаб чиқилган;

*A. juncea* ўсимлигининг терпеноид ва фенол бирикмаларини кимёвий ўрганиш натижалари, айниқса гвайан скелети типидagi сесквитерпен лактонлари ҳақидаги маълумотлардан *Juncea* секцияси, *Seriphidium* кенжа туркуми, *Artemisia* L. туркуми таксонлари хемосистематикасида фойдаланиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий физик-кимёвий анализ усуллари УБ, ИҚ, ЯМР спектроскопия, РТТ, МС, ГХ-МС, хроматографик ва биологик усуллардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ва тақриз қилинувчи хорижий илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Artemisia juncea* ўсимлигидан ажратиб олинган янги гликозид ҳолидаги флавоноидлар ва сесквитерпен лактонини ажратиб олиш ҳамда уларнинг кимёвий тузилишини исботлаш билан изоҳланади, бу эса табиий бирикмалар кимёсининг тегишли бўлимларини юқорида келтириб ўтилган ўсимлик турининг кимёвий таркиби ҳақидаги янги маълумотлари билан бойитишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, *Artemisia juncea* ўсимлигининг ер устки қисмидан биологик фаол аустрицин сесквитерпен лактонини олишнинг янги усулини ишлаб чиқиш, *Ficus carica* баргларида фуурокумаринларининг сифат жиҳатдан аниқлашнинг кимёвий таҳлилини ишлаб чиқиш ва *Psoralea drupacea* ўсимлиги дуккакларидан фуурокумаринларининг миқдорини оширган ҳолда олишнинг янги усулини ишлаб чиқишдан иборатлиги билан изоҳланади. Олинган ушбу натижалар фармацевтика саноатида аналитик таҳлиллар ва уларнинг субстанцияларини ишлаб чиқариш учун қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Artemisia juncea*, *Ficus carica*, *Psoralea drupacea* ўсимликларининг фитокимёвий тадқиқотлари асосида олинган натижалар қуйидагилар жорий қилинган:

ажратиб олинган 11-эпи-дегидроизолеукомизин сесквитерпен лактонининг рентген тузилиш маълумотлари Буюк Британиянинг халқаро тузилиш маълумотлар базасида (The Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam.ac.uk/structures/>) рўйхатга олинган ва CCDC 2216443 ҳамда CИHNEQ хос ID рақами берилган. Натижада, электрон дастурларни қўллаган ҳолда базага киритилган шу каби моддаларнинг фазовий тузилишларини ҳамда потенциал фармакологик фаоллигини аниқлаш имконини берган;

тадқиқот илмий натижалари 2017-2020 йиллар давомида бажарилган №ТА-ФА-Ф7-008 «Табиий терпеноид ва фенол бирикмаларини ўрганиш ҳамда улар асосида тиббиёт, ветеринария ва қишлоқ хўжалиги учун дори воситалари яратиш») фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 22-ноябрдаги № 4/1255-3263-сон маълумотномаси). Натижада, *Artemisia L.* туркумидаги ўсимликларнинг терпеноидлари ва флавоноидларини тузилиши ҳамда биологик фаолликларини ўрганиш имконини берган;

*A. juncea* ўсимлигининг ер устки қисмидан ажратиб олинган бирикмаларни спектр маълумотлари ва кимёвий тузилиши хорижий илмий нашрларда сесквитерпен лактонлар ва флавоноидларнинг тузилишини аниқлашда фойдаланилган (Biochemical Systematics and Ecology, 2020, V. 92, 104124, Sci

Journal, IF 1.502; Current Pharmaceutical Biotechnology, 2020, V. 21, 1711-1721, Sci Journal, IF 2.564; Cell Biochem. Funct., 2020;1–8, Sci Journal, IF 3.957; Natural Product Research, 2020/2021, Bioxbo, IF 2.861). Тадқиқот натижалари ажратилган бирикмаларнинг тузилишини аниқлаш учун асос бўла олади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқоти натижалари 12 та илмий-амалий конференция ва симпозиумларда, жумладан, 6 та халқаро, 6 та республика миқёсида ўтказилган анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий ишлар чоп этирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги ОАК нинг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 5 таси хорижий ва 1 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган фитокимёвий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурийлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавфифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи бобида** *Artemisia L.*, *Ficus L.* ва *Psoralea L.* туркум ўсимликларининг иккиламчи метаболитларини тадқиқ қилиш бўйича адабиёт маълумотлари умумлаштирилиб, мазкур авлод ўсимликлари тиббиёт, ветеринария ва кишлок хўжалигида фойдаланиш учун табиий бирикмаларнинг истиқболли синфлари терпеноид ва фенол бирикмаларининг бой манбалари эканлиги кўрсатилган. *Artemisia L.* туркум ўсимликлари асосан терпеноидлар, яъни сесквитерпен лактонларни биосинтез қилади. Ушбу турнинг жаҳон флорасидаги флавоноидларини ўрганиш даражаси ва кимёвий хилма-хиллиги бўйича адабиётлар таҳлили келтирилган. Бу маълумотлардан *Artemisia L.* туркум ўсимликларининг хемосистематикаси муаммоларини хал қилиш учун фойдаланилиши мумкин. *Ficus L.* ва *Psoralea L.* туркум ўсимликларининг метаболитлари тўғрисидаги адабиёт маълумотларининг таҳлили, уларнинг асосий компонентлари монотерпеноидлар, сесквитерпеноидлар ва кумаринлар эканлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «*Artemisia juncea*, *Ficus carica* ва *Psoralea drupacea* ўсимликларининг терпеноидлари ва фенол бирикмалари» номли иккинчи бобида тадқиқот бўйича олинган шахсий натижалар муҳокамаси келтирилган.

## **1. *Artemisia juncea* Kar et Kir. ўсимлигини фитокимёвий тадқиқ қилиш**

*Asteraceae* оиласига мансуб *Artemisia juncea* ўсимлигининг ер устки қисмини хромато-масс спектрометрия усулида таҳлил қилинди. Олинган натижаларга асосан гексанли экстрактдан биринчи марта 18 та, қутблироқ эритувчи – бензолли экстракт таркибидан эса 34 та учувчан бирикмалар идентификация қилиниб, уларда юқорида қайд этилган гексанли экстрактнинг асосий компонентларидан ташқари бензолли экстрактда кўшимча равишда куйидаги учувчан моно- ва сесквитерпеноидлар мавжуд:  $\alpha$ -фелландрен, терпинолен, *транс*-пинокарвеол, сабинакетон,  $\alpha$ -туйеналь, спатуленол, (+)- $\alpha$ -бисаболол, изоспатуленол ва бошқалар. Паро- ва гидродистилляция усуллари ёрдамида олинган эфир мойлари таркибида мос равишда 33 ва 40 та учувчан бирикмалар идентификация қилинди. Қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, паро- ва гидродистилляция усулларида олинган эфир мойларининг таркиби хона хароратида олинган экстрактларининг эфир мойлари таркибидан сифат ва миқдорий жиҳатдан фарқ қилиши кўрсатилди. Бунда, сабинен, 1,8-цинеол,  $\gamma$ -терпинен ва  $\alpha$ -,  $\beta$ -туйоновларнинг миқдори камайганлигини кўриш мумкин. Шу билан бир қаторда,  $\alpha$ -пинен, камфен, камфора, борнеол миқдори ортиб, паро- ва гидродистилляция усулларида олинган эфир мойларининг таркиби куйидаги бирикмалар: *цис*-сабинол, *транс*-пинокарвеол, сабинакетон, изоаскаридол, миртенилацетат,  $\alpha$ -бисаболол ва изоспатуленол мавжуд эмаслиги аниқланди. Шунингдек, этанолли экстрактнинг бензинли фракциясидан олинган эфир мойининг таркибидан 48 компонент идентификация қилинди. Мазкур усулда олинган эфир мойларининг таркиби юқорида келтириб ўтилган наъмуналарнинг таркиби билан сифат ва миқдорий жиҳатдан фарқ қилди. Бунда,  $\beta$ -туйон ва *эндо*-борнеол миқдори ошганлигини, шунингдек, фақат шу наъмунада идентификация қилинган (+)-2-борнаноннинг сезиларли миқдорда мавжудлиги кузатилди.

Фитокимёвий тадқиқотлар натижасида *Artemisia juncea* ўсимлигининг ер устки қисмидан биринчи марта куйидаги компонентлар индивидуал ҳолда ажратиб олинган: 5 сесквитерпен лактонлар (леукомизин (1), матрикарин (2), паришин С (3), аустрицин (4), 11-эпидегидроизолеукомизин (5)), улардан 1 таси – янги, 2 тритерпеноид –  $\beta$ -ситостерол (6), стигмастерол (7)), 11 флавоноидлар – эупатилин (8), джасеосидин (9), цирсинеол (10), 6-метокситрицин (11), лютеолин (12), диосметин (13), диосметин-7-*O*- $\beta$ -*D*-глюкопиранозид (14), цинарозид (15), изошафтозид (16), 5,4'-дигидрокси-6,3',5'-триметокси-7-*O*- $\beta$ -*D*-глюкопиранозид (17) ва юнцион (18)), улардан 2 таси – адабиётларга маълум бўлмаган янги флавоноидлар ҳамда 1 та циклик полиол – *D*-пинитол (19). Ажратиб олинган бирикмаларнинг тузилиши кимёвий ва спектрал усуллар ёрдамида исботланган бўлиб бу маълумотлар диссертацияда батафсил баён этилган.


### **11-эпи-дегидроизолеукомизиннинг тузилиши ва стереокимёси**

Тадқиқотларни давом эттириб, *Artemisia juncea* ўсимлигидан леукомизин лактонини ажратиб олгандан сўнг элюатлар бирлаштирилди ва колонкада рехроматография қилиниб  $C_{15}H_{16}O_3$  таркибли суюқланиш харорати 210-211°C

бўлган сесквитерпен лактони (**5**) ажратиб олинди. **5**-бирикманинг ИҚ спектрининг  $1774\text{ см}^{-1}$  тўлқин узунлигида  $\gamma$ -лактон ҳалқасини карбонил гуруҳининг ютилиш чизиқлари,  $1678\text{ см}^{-1}$  тўлқин узунлигида  $\alpha,\beta$ -тўйинмаган циклопентаноннинг карбонил гуруҳининг ютилиш чизиқлари, шунингдек  $1623\text{ см}^{-1}$  ва  $1594\text{ см}^{-1}$  тўлқин узунликларида кўш боғларнинг валент тебранишли ютилиш чизиқларини кўрсатди. УБ спектрида эса, конюгирланган системаларга хос бўлган учта ютилиш максимумлари  $\lambda_{\text{max}}$  244; 258 ва 305 нм ( $I_{\text{ge}}$  5.49, 5.48 и 4.69) кузатилди.

Лактон **5** нинг  $^1\text{H}$  ЯМР ( $\delta$ , м.д.,  $\text{CDCl}_3$ ) спектрида қуйидаги сигналлар резонанслаши: 1.34 м.у. да (3H) дублет – КССТ 7.9 Гц га тенг бўлган лактон ҳалқасидаги иккиламчи метил гуруҳи протонининг сигнали, бу геминал ҳолатда кислород мавжуд эканлигидан далолат беради. 2.16 м.у. ва 2.45 м.у. даги иккита синглет ҳолатидаги сигналлар кўшбоқ ёнидаги метил гуруҳларининг сигналларига тегишли эканлигини кўрсатади. 2.97 м.у. (1H,  $J=7.8$  Гц) даги квинтет ҳолатидаги сигнал С-11 даги протонга тегишлилигидан далолат беради. 4.55 м.у. даги (ддд,  $J_1=10.9$ ,  $J_2=10.0$ ,  $J_3=3.6$ ) бир протонли сигнал лактон протонига хослигини кўрсатади. Сигналнинг ютилиш характери лактон ҳалқасини С7-С8 углерод атомлари билан боғланганлигини кўрсатади, кўрсатиб ўтилган КССТ эса унинг *транс*-ҳолатида эканлигини кўрсатади. Шунингдек, 6.11 м.у. да мультиплет сигнали С-3 углерод атомидаги олефин гуруҳининг протонларини кўрсатади.


Сесквитерпен лактон (**5**) нинг нисбий стереокимёси NOESY тажрибаси билан тасдиқланган. NOESY корреляцияси лактон протони ва С-11 углерод атомидаги метил гуруҳи  $\beta$ -йўналганлиги, С-7 ва С-11 углерод атомидаги протонлар эса  $\alpha$ -йўналганлигини кўрсатди.



**1-расм. 5** лактонининг NOESY ва HMBC асосий корреляциялари

**5**-бирикманинг ИҚ, УБ, масс- ва  $^1\text{H}$  ЯМР спектр маълумотлари адабиёт маълумотлари билан таққосланганда, улар олдин аустрицинни гидролиз реакцияси натижасида олинган дегидроизолеукомизин (**5a**) билан деярли мос келишини кўрсатди. Дегидроизолеукомизиннинг (**5a**) тузилиши рентген тузилиш таҳлили усулида ҳам аниқланган. **5** ва **5a** лактонларининг  $^1\text{H}$  ЯМР спектрларининг қиёсий маълумотлари шуни кўрсатдики, улар деярли бир хил эканлиги, лекин дезэкранланиш эффекти натижасида келиб чиққан С-7да – 0.53 м.у., С-8да – 0.21 м.у. ва С-11да – 0.39 м.у. лардаги учта протоннинг кучсиз соҳага парамагнит силжиши натижаси бундан мустасно. Маълумки, протон сигналларининг кучсиз майдонга парамагнит силжиши ядронинг экранланишини камайишини акс эттиради, бу электрон қобиқнинг


ассимметрияси билан изоҳланади. Мазкур протон сигналларнинг кучсиз соҳага парамагнит силжиши **5**-бирикма дегидроизолеукомизин (**5a**) нинг С-11 ассиметрик углерод атоми билан стереоизомер эканлигини кўрсатади.



**2-расм. 5 ва 5a бирикмаларининг тузилиши**

Таъкидлаш лозимки, кўриб чиқилаётган **5** ва **5a** сесквитерпен лактонларининг С-7, С-8 ҳамда С-11 даги углерод атомлари ассиметрик углерод атомлари ҳисобланиб, 8 стереоизомер ҳосил қилади.

Шуларни инobatга олган ҳолда, сесквитерпен лактон **5** нинг фазовий тузилиши ва абсолют конфигурациясини аниқлаш учун рентген тузилиш таҳлил (РТТ) усули қўлланилди. Рентген тузилиш таҳлили маълумотларига асосан **5**-молекуланинг фазовий тузилиши 3-расмда келтирилган.




**3-расм. 11-эпи-дегидроизолеукомизиннинг фазовий тузилиши**

Юқоридаги маълумотларни инobatга олган ҳолда, ажратиб олинган табиий сесквитерпен лактон **5** олдин тавсифланмаган бирикма бўлиб, 2-оксо-7 $\alpha$ ,8 $\beta$ ,11 $\alpha$ (H)-1(10),3(4),5(6)-триен гвай-8,12-олид ёки 11-эпи-дегидроизолеукомизин тузилишига мос келади. РТТ усули ёрдамида биринчи марта бикманинг фазовий тузилиши ва молекуланинг хирал марказларининг абсолют конфигурацияси 7*R*,8*S*,11*S* эканлиги аниқланди.

### ***Аустицин олишининг янги усулини ишлаб чиқиш***

*A. juncea* ўсимлигининг ер устки қисмидан ажратиб олинган аустицин (**4**) сесквитерпен лактони кенг спектрга эга биологик фаолликларини намоён қилади. Хусусан, аустициннинг (**4**, 8 $\alpha$ -гидрокси-2-кето-5 $\alpha$ ,6 $\beta$ ,7 $\alpha$ ,11 $\beta$ (H)-гвай-1(10),3-диен-6,10-олид моногидрат) кардиотоник, шунингдек экиш олдида бир марталик ишлов бериш орқали шолени ҳосилдорлигини ошишига имкон берувчи ва ўсишини тартибга солувчи фаолликлари намоён қилиш хоссалари аниқланган. Ҳосилдорликни ошириш кўрсаткичларини Ўзбекистонда кенг қўлланилаётган Эдагум СМ (65,2 ц/га) дори воситаси билан солиштирганда, аустицин сесквитерпен лактони гуруч хосилини 70,4 ц/га гача оширганлиги аниқланган.

Шу муносабат билан, *Artemisia juncea* ўсимлигининг ер устки қисмидан аустрицин олишнинг маълум усулининг камчиликларини (кўп босқилилиги, тез учувчан (қайнаш харорати 36,5 °С), тез ёнувчан ва портловчи - диэтил эфири эритувчисидан фойдаланилганлиги) инобатга олган ҳолда янги усули ишлаб чиқилди. Куйида аустрицин олишнинг ишлаб чиқилган янги усулини схемаси келтирилган.



### 1-схема. Аустрицин олишнинг ишлаб чиқилган янги усули

#### ***5,4'-дигидрокси-6,3',5'-триметокси-7-О-β-D-глюкопиранозид янги флавонининг тузилиши***

5,4'-Дигидрокси-6,3',5'-триметокси-7-О-β-D-глюкопиранозид (17) – сарик рангдаги аморф модда бўлиб, сувоқланиш харорати 233-235 °С ни ташкил этади. 17-бирикма УБ спектрида флавоон хосилаларига хос бўлган  $\lambda_{\max}$  243, 274, 341 нм тўлқин узунлигида ютилиш чизиқларига эга.


ИК спектрида гидроксил гуруҳ ( $3436 \text{ см}^{-1}$ ), γ-пироннинг карбонил гуруҳи ( $1658 \text{ см}^{-1}$ ), ароматик C=C-боғлари ( $1618, 1519, 1494 \text{ см}^{-1}$ ) га хос бўлган ютилиш чизиқлари кузатилди. HR-ESI-MS маълумотлари  $m/z$  523,1436 (523,1373 га хисобланган)  $[M+H]^+$  ион чўққиларига асосан  $C_{24}H_{26}O_{13}$  молекуляр формуласини кўрсатди.

DMCO- $d_6$  эритувчисида олинган 17-бирикманинг  $^1\text{H}$  ЯМР спектрида  $\delta$  7.34 м.у. синглет (2H) ва  $\delta$  3.87 м.у. да В халқада симметрик триоксигенирланган иккита метоксил гуруҳининг (6H) синглет сигналларини кўрсатди.  $\delta$  12.93 м.у. кучсиз соҳада 5-OH гуруҳи сигналларига тегишлилиги ва бу флавоноидларда водород боғлари билан боғланганлиги билан изоҳланади. Мазкур гидроксил гуруҳ протони мос равишда НМВС спектрида  $\delta$  105.87 м.у. (C-10), 132.69 м.у. (C-6) и 152.46 м.у. (C-5) узоқ кесишган учта тўртламчи углерод сигналларини кўрсатди. Ушбу углеродлар силжиш резонанси кимёвий силжиш қийматларига ва қўшимча равишда кузатиладиган узоқ масофали кесишган чўққиларга асосланади яъни C-10 дан H-3 гача ( $\delta$  7.04 м.у., бу В халқа билан корреляция туфайли) ва H-8 ( $\delta$  7.09 м.у.), C-6 дан H-8 гача. Шунингдек C-6 углероди метоксил гуруҳи ( $\delta$  3.77 м.у.) мавжудлиги узоқ масофали кросс-пикларни кўрсатди, бу 6-ҳолат метоксилланганлигини исботлайди. Бундан ташқари,  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР ҳамда икки ўлчамли спектрлари  $\delta$  5.09 м.у. аномер сигналлари билан

мос равишда 100.64 м.у. соҳада битта пираноза углеводнинг мавжудлигини кўрсатди. Ушбу аномер протонлар НМВС икки ўлчамли спектрида, шунингдек, Н-8 дан  $\delta$  156.56 м.у. углерод сигналигача гликозилланган жой С-4' эмас, балки С-7 ҳолатида эканлигини исботлайди.

Сигналларнинг қисман устама-уст тушиши туфайли  $\beta$ -*O*-гликозид фрагменти мавжудлигини кўрсатувчи аномер протон (КССТ  $J=7.6$  Гц) константасидан ташқари углевод протонлари боғининг константаларини аниқлашда қийинчиликка дуч келинди. Боғланиш константаси  $^{13}\text{C}$  ЯМР кимёвий силжиши тўғрисида маълумот йўқлиги, айниқса глюко- ёки галактопиранозидларнинг жуда ўхшашлиги, бириккан углеводнинг табиатини фақат ЯМР маълумотлари асосида аниқ ажратиш имконини бермади. Шуларни инобатга олган ҳолда, кислотали гидролиз амалга оширилди ва қозғоғ хроматографиясида гидролизат анализ қилинганда углевод *D*-глюкоза ( $R_f=0.31$ ) эканлиги аниқланди, бу 17-бирикмада 7-*O*- $\beta$ -*D*-глюкопиранозил эканлигини тасдиқлади.

Шундай қилиб, ажратиб олинган 17-бирикма 5,4'-дигидрокси-6,3',5'-триметоксифлавонон-7-*O*- $\beta$ -*D*-глюкопиранозид тузилишига эга ва жаҳон адабиётларида олдин маълум бўлмаган янги флавоноидир.



**4-расм. 5,4'-дигидрокси-6,3',5'-триметоксифлавонон-7-*O*- $\beta$ -*D*-глюкопиранозид (17) янги флавононининг тузилиши**


#### ***Юнцион янги флавононининг тузилиши***

Юнцион (18) – сариқ рангдаги кристалл модда бўлиб, суюқланиш ҳарорати 158-160 °С ни ташкил этади. 18-бирикма УБ спектрида флавонон хосилаларига хос бўлган  $\lambda_{\text{max}}$  243, 274, 341 нм тўлқин узунлигида, ИҚ спектрида эса гидроксил гуруҳ ( $3436 \text{ см}^{-1}$ ),  $\gamma$ -пироннинг карбонил гуруҳи ( $1658 \text{ см}^{-1}$ ), ароматик С=С-боғлари ( $1618, 1519, 1494 \text{ см}^{-1}$ ) га хос бўлган ютилиш чизиқлари кузатилди. LC/MS маълумотлари  $m/z$  507,43 (508,43 га ҳисобланган)  $[\text{M}+\text{H}]^+$  ион чўққиларига асосан  $\text{C}_{23}\text{H}_{24}\text{O}_{13}$  молекуляр формуласини кўрсатди.

ДМСО- $d_6$  эритувчисида олинган бирикманинг  $^1\text{H}$  ЯМР спектрида флавонон молекуласи ва 1 та углевод қолдигига хос сигналлар мавжуд. Спектрнинг кучсиз соҳасида 13.12 м.у. гидроксил гуруҳи протонининг сигнали ( $\delta$ , 5-ОН) кузатилган бўлса, ароматик қисмида эса учта синглет  $\delta$  6.94 м.у. (Н-3), 6.65 м.у. (Н-8) и 7.28 м.у. (Н-2', 6') сигналлари қайд этилди. Углевод қолдигининг аномер протони сигнали 4.74 м.у. да дублет кўринишида КССТ  $J=7.7$  Гц (Н-1'') кузатилди. Углевод қолдигининг қолган сигналлари  $\delta$  3.11-3.58 м.у. кузатилди. Шунингдек, бу сигналлардан ташқари,  $^1\text{H}$  ЯМР спектрда  $\delta$  3.83 м.у. (3', 5'- $\text{OCH}_3$ )

олти протонли синглет ҳолидаги сигнали ҳам мавжуд.  $^{13}\text{C}$  ЯМР, DEPT ва HSQC спектрларининг таҳлиliga кўра юнционда (18) 23 та углерод атомларининг сигналларини, хусусан 2 та метоксил, 1 та метилен, 9 та метин ва 11 та тўртламчи углерод атомлари ҳамда 182.27 м.у. соҳасида 1 та карбонил углероди (C-4) атомларини кўриш мумкин. 104.08-163.80 м.у. оралигида флаворн молекуласига хос бўлган 9 та тўртламчи углерод сигналлари мавжуд.  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектрининг кучсизроқ соҳасида 5 та метин углерод атоми кузатилди, шу жумладан,  $\delta$  94.58 м.у. да 1 та аномер сигнал (C-8), 104.37 м.у. да (C-2', C-6', C-1'') ва 103.17 м.у. да (C-3), шунингдек,  $\delta$  104.08 м.у. да 1 та тўртламчи углерод атоми (C-10). Кучлироқ соҳада эса, углевод қолдигининг 5 та углерод атомларининг сигналлари 73.94 м.у. (C-2''), 76.20 м.у. (C-3''), 69.60 м.у. (C-4''), 77.29 м.у. (C-5''), 60.72 м.у. (C-6'') ларда ҳамда  $\delta$  56.41 м.у. да симметрик бўлган 2 та метоксил гуруҳ ( $3',5'$ -OCH<sub>3</sub>) сигналлари кузатилди.  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектр маълумотлари таҳлиliga кўра, янги бирикма молекуласида глюкоза қолдиги мавжудлигини хулоса қилиш мумкин. Юнционда углевод молекуласининг ва метокси гуруҳларнинг жойлашган ўрни НМВС эксперименти асосида аниқланди, бунда H-1''/C-7, OCH<sub>3</sub>/C-3', C-5' кросс-пиклари флаворн молекуласида глюкопираноза қолдиги C-7 ҳолатда, метокси гуруҳлар эса C-3', C-5' ҳолатга бирикканлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, ажратиб олинган юнцион флаворни (18) 5,6,4'-тригидрокси-3',5'-диметоксифлаворн 7-O- $\beta$ -D-глюкопиранозид тузилишига эга ва жахон адабиётларида олдин маълум бўлмаган янги флаворноиддир.



5-расм. Юнцион (18) янги флаворининг тузилиши

## 2. *Ficus carica* учувчан компонентларини тадқиқ қилиш. *F. carica* баргларининг фуурокумринлар наъмунасини ГХ-МС таҳлили учун тайёрлашни янги усулини ишлаб чиқиш

